АГРАР СОҲАГА ОИД ТЕРМИНЛАР ТАҲЛИЛИ

Хаитова Гулшан Баҳодировна

Немис ва француз филологияси кафедраси ўқитувчиси

Бухоро давлат университети

Аннотация: Мақола немис ва ўзбек тилларининг аграр соҳасига оид терминологиянинг шаклланиши, лингвистик таҳлили, лингвокультурологик хусусияти ва уларнинг терминосистемадаги ўрнига бағишланган.

Калит сўзлар: аграр, термин, терминология, морфема, лексема, матн.

Аннотация: Статья посвящена аграрной терминологии немецкого и узбекского языков, их формированию, лингвистическому анализу, лингвокультурологическим особенностям и их месту в терминологической системе.

Ключевые слова: аграр, термин, терминология, морфема, лексема, текст.

Abstracts: The article is devoted to the agrarian terminology of the German and Uzbek languages, their formation, linguistic analysis, linguistic and cultural features and their place in the terminological system.

Key words: agrarian, term, terminology, morpheme, lexeme, text.

Аграр соҳасига оид терминология жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Дунёнинг бугунги шароитида оммавий ахборот воситалари турли иқлим ўзгаришлари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, мураккаб иқтисодий жараёнлар, шунингдек пандемия шароитида аграр соҳаси улкан ўзгаришларга дуч келмоқда. Ушбу жараёнларни ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари аграр соҳаси терминологияси билан мунтазам “тўқнашадилар”. Шу боис аграр соҳасига оид терминларни сиёсатчилар, журналистлар, дипломатлар, ҳатто, оддий инсонлар нутқида ҳам учратишимиз муқаррар.

Шуни қайд этиш керакки, аграр соҳаси оид терминларга мурожаат бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади, чунки дунёдаги турли иқлим ўзгаришлари, ижтимоий-сиёсий воқеалар ва давлатлараро зиддиятлар туфайли оммавий ахборот воситаларида унинг кенг миқёсида ва мунтазам равишда қўлланилиши ушбу соҳанинг доимо диққат марказида эканлигидан далолат беради. Аграр соҳасига оид терминология турли матнлар (дискурс), турли вазиятлар (контекст)да ишлатилишидан ташқари, у жадал ривожланиш анъанасига эга бўлган илмий-техник соҳаларда ҳам қўлланилиши табиий ҳол.

Аграр соҳасининг кўп қирралиги уларнинг корпоратив манфаатлари чекланмаганлиги билан белгиланса-да, маълум даврга хос лингвокультурологик хусусиятни акс эттириб, миллий тилда босқичма-босқич шаклланадиган терминларнинг тарихий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Шу маънода тарихий воқеа-ҳодисаларни таржимада қайта тиклаш, муайян халқнинг лингвокультурологик масалаларини, миллий урф-одатларини таржима матнида тўлақонли тасвирлаб беришда аграр соҳасига оид терминларнинг аҳамияти ғоят муҳим. Аграр терминларнинг ривожланиши ва шаклланиши ижтимоий-иқтисодий ҳаёт шаклларининг тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий фаолиятнинг муваффақиятини ҳам ўзида акс эттиради.

Немис тили аграр соҳаси терминларининг лингвистик таҳлили уларга оид номинатив-функционал хусусиятларнинг ҳамиша ҳам бир хил эмаслигини кўрсатди. Немис тили аграр терминологиясида мутлақ ва аниқ семантик чегараларга эга бўлган бир маъноли терминлар билан бир қаторда, кўп маъноли терминларни ҳам учратишимиз мумкин. Масалан: Land термини – 1) ер; 2) қуруқлик; 3) мамалакат; 4) ўлка; 5) экин майдони маъноларини англатади.

Субстантивация ҳодисасига учраган Bauer термини 1) деҳқон; 2); фермер 3) қурувчи; 4) қафас; 5) ишлаб чиқарувчи; 6) пиёда(шахмат) каби

маъноларни ўз таркибига қамраб олган. Шу сабабли бир компонентли терминларнинг кўп маънолилиги уларни тўғри тушуниш ва таржима қилишда қийинчилик туғдиради, уларни айнан ифодалаш эса матн ва вазиятга қараб белгиланади.

Шунингдек, аграр соҳасига оид терминларнинг номинатив-функционал жиҳатдан уларни номлаш тушунчалари акс этади. Масалан: Milchverarbeitung – сут қайта ишлаш; Baumwollanbauer – пахта етиштириш; jäten –бегона ўтни олиш; Erntezeit – йиғим терим пайти.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид фанлар, хусусан агротехниканинг жадал ривожланиши туфайли янгидан-янги терминлар ва терминологик бирикмалар пайдо бўлмоқда. Экстралингвистик омиллар асосида терминларнинг жадал ривожланиши терминологияни тартибга солиш (унификация қилиш)ни ва меъёрлаштиришни талаб қилади.

Деярли барча мамлакатларда илмий терминологияни бир хиллаштириш мақсадида махсус терминологик комиссиялар тузилган, махсус терминологик маълумотномалар, кўп тилли ва изоҳли луғатлар, билим соҳалари бўйича тезауруслар нашр қилинмоқда. Бу узоқ давом этадиган ва мураккаб иш бўлиб, ҳарбий матнларни тушунишда, расмий ҳужжатларни тўғри таржима қилишда чалкашлик юзага келмаслиги, сўзлардан фойдаланишнинг тартиби бузилмаслиги учун кун сайин долзарблик касб этмоқда. Худди шундай ишларни амалга ошириш учун мамлакатимизда ҳам давлат раҳбарининг фармонига биноан ўзбек тилининг дунё миқёсида нуфузини ошириш, ўзбек тилига четдан кириб келаётган кўплаб терминларни “фильтрлаш” мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармонини ижро этиш юзасидан 2019 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Аграр соҳасига оид лексика ва тушунчаларни англатувчи лексик

бирликлар учун номинатив вазифани бажарувчи барча сўз ва сўз бирикмалари киради. Яъни, қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш, парваришлаш, етиштириш, йиғиб олиш, агротехника, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари зараркунандаларига қарши кимёвий воситалар, паррандачилик, қоракўлчилик, йилқичилик ва ҳоказолар билан бевосита боғлиқ тушунчалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари аграр соҳаси лексика ва тушунчалар билан боғлиқ ҳолда қўлланиладиган илмий-техник, нуфузли қишлоқ хўжалиги ташкилотлар номлари, норасмий сўзлашув доирасида ишлатиладиган тил бирликларини ҳам киритиш лозим.

Аграр соҳасига оид лексиканинг турли тармоқлари ҳақида сўз юритилганда эса, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги тизимида ишлатиладиган терминлар ва лексемалар, сўз бирикмаларни таъкидлаш ўринли. Бунга деҳқончилик, чорвадорлик, балиқчилик, паррандачилик ва б. соҳаси ишчилари ҳаёт тарзи, ташкилот, агротехника, бинолар, агротехник тадбирларнинг умумий тушунчаларини ифодаловчи лексемалар ва сўз бирикма шаклидаги терминлар киради.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларида қўлланиладиган ва улар учун маълум бўлган бир қатор терминлар ва сўз бирикмалар мавжуд. Масалан: якка ва туб морфемадан иборат қуйидаги терминологик бирликларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин: Verbrauch – сарф; Bewässerung – суғориш; Dünge – ўғит. Икки, уч ва ундан ортиқ компонентли терминларга қуйидагилар мисол бўла олади: landwirtschaftliche Produkte – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари; einjährige Anbaukultur – бир йиллик экин тури; Nahrungsmittelproduktion – озиқ-овқат ишлаб чиқариш кабилар шулар жумласидандир.

Терминларда моносемантикага хос изчиллик, тизимлилик, қатъиятлик бир маънога мойиллик хусусиятлари мавжуд бўлиб, у ўзининг бўёқдорликдан ҳоли эканлиги, услубий бетарафлиги билан ажралиб туради. Терминнинг ўзига хослиги шундаки, у касбий, илмий - услубдаги матнларда

фаоллашади, фундаментал мутаносиблик, аниқлик, ихчамлик, номинатив-функционаллик, ўзига хос вазифага эга эканлиги, услубий бетарафлиги, кенг маълумотни қамраб олиши билан тавсифланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Langenscheidts Großwörterbuch] / [W. Duda u. a.] [5. aufl.]. - Berlin [u. a.] Langenscheidt, 2001.
2. Дуброва Ю.Ю. Структурно-содержательная специфика многокомпонентных терминов (на материале военных документов): Автореф. дис. … канд. филол. наук. -М., 2015. – С. 23.
3. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари, -Т.:, Фан. 1977. – Б. 144.
4. Гринев-Гриневич С.В. Терминоведение // Учебн. пособие для студ. ВУЗов. - М.: Академия, 2008. – С. 11-12.
5. Кожанов Д.А. Новые подходы к определению сущности термина в когнитивно-дискурсивных исследованиях // Мир науки, культуры, образования, 2008. -№5(12). – С. 43-47.